Ушбу сонда:
2 ҚОРОВУЛБОЗОР ЧИРОҚЛАРИ
3 ХАТЛАР – ҲАЁТ ОЙНАСИ
4 ШОҲСУПАГА ЙЎЛ энг кучлиларга насиб этади


# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 11 август, чоршанба № 128 (1761)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





## Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига

*Азиз ўғил-қизларим!*

*Муҳтарам спорт мураббийлари!*

*Аввалambор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа - Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.*

*Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.*

*Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига - кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.*

*Олимпиада - нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир.* ***Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз.*** *Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.*

*Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.*

*Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.*

*Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ОМАД ЁР БЎЛСИН, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!






***Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август куни Афина шаҳрига жўнаб кетди.***

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг раиси Р.Қурбонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли юртдошларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришаётгани алоҳида таъкидланди. Афинада ўтажак Олимпиада ўйинларида ҳам вакилларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига шубҳа йўқ.

Спортчиларимизнинг Олимпиадада қўлга киритажак ғалабалари энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик айёми арафасида халқимизга муносиб туҳфа бўлади, деди стол тенниси бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоси Мансура Иноятова. Зеро, Олимпиададек нуфузли мусобақаларда иштирок этиш мамлакатимиз йигит-қизлари учун истиқлол берган улкан имкониятдир.

Афинада ўтажак ўйинларда икки юздан ортиқ мамлакатдан келган 16 мингдан зиёд иштирокчи спортнинг 28 тури бўйича беллашади. Ўзбекистоннинг етмишга яқин вакили 15 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**(ЎзА)**





## «ЧЕРНОБИЛ БОЛАЛАРИ» УЧУН

Мана 5 йилдирки, республикамизда «Чернобил болалари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда унда Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашган кишиларнинг фарзандлари ҳисобда туришибди. Ёзги мавсумда улар Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашидан ажойиб совға –соғломлаштириш оромгоҳларига 46 та йўлланма олишди. Эндиликда болалар сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олиш имкониятига эга бўлдилар.

– Меҳр ва мурувват йилида бизга ҳомийлик ёрдамини кўрсатаётган ташкилотлар сони кўпайиб бормоқда, – дейди марказ раҳбари Б.Лим. – Масалан, «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш» кунида Тошкент шаҳридаги «Шинам» кафесида дастурхон ёзиб, болаларни таклиф этдик. Унда кўплаб ота-оналар ҳам иштирок этишди. Биз бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга аҳд қилдик.

Кейинги вақтда ушбу марказга мурувват қўлини чўзаётган корхона, ташкилот ҳамда муассасалар сони кўпайиб бормоқда. «Асака банк», касаба уюшмалари, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, «Чернобил болалари» илмий ишлаб чиқариш марказининг бундан буёнги иш режалари ҳам улкан. Бундан кейин ҳам «аср фожеасини» бартараф этишда қатнашганларнинг фарзандларини аниқлаш ҳамда уларни марказга жалб этиш ишлари давом этади. Яқинда Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ёрдамида улар учун хоналар ажратилди. Айни вақтда ў ерни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга марказ «Дорихона»лар очишни режалаштирган. У ердан болалар имтиёзли равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Марказ томонидан республикамизда ҳудудий бўлимлар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Бухорои Шарифнинг қиёфаси мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди: хушҳаво боғлар, сўлим оромгоҳлар яратилди. Қадимий обидалар таъмирланиб, нафис жилолари билан барчани ҳайратга солди. Ўтган йили улуғ аллома Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши халқ ҳаётида ёрқин из қолдирди. Халқни руҳлантирган бундай улуғ ишлар баробарида меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари камоли учун ғамхўрлик қилиш, қишлоқ хўжалик ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўрта бизнес ва фермер хўжаликлари ривожига ҳам кенг йўл очилди. Бунда вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ҳам хизмати бор. Мухбиримиз Амина Қодирова иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мулк соҳиблари билан касаба уюшма ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида тармоқ қўмитаси раиси билан суҳбатлашди.***

# ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қурултойидан кейинги ўтган даврда мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Тармоқ қўмитамиз бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар эътиборини тармоқ меҳнаткашларини ҳар томонлама ҳимоялашни кучайтириш, маданият ва маънавиятни юксалтириш, ишловчиларга қулай ва бехавотир меҳнат шароитларини яратиб берилиши устидан назоратни талаб даражасида кучайтириш борасида аниқ, мақсадли ишларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда тармоқ қўмитамиз таркибида 11 та туман, 1 та вилоят Вакиллиги, 404 та бошланғич касаба уюшма қўмиталари мавжуд. Уларда 166 минг нафар касаба уюшма аъзолари жипслашган.

Кучли касаба уюшмалари бу - бақувват, жанговар, ҳар ишга қодир бошланғич касаба уюшма ташкилотидир. Бунга Устав талаблари, қабул қилинган қарорларни бажармасдан, ижрони назорат қилмасдан, энг муҳими, иш натижаси учун барча даражадаги касаба уюшма органларининг ўзаро масъулияти, саъй-ҳаракатлар бирлиги ва бирдамлигисиз эришиб бўлмайди.

Шу мақсадда вилоят қўмитамиз касаба уюшма ходимлари ва фаолларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар чоракда ташкил этилган доимий ўқувларда касаба уюшма етакчилари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги оширилмоқда. Негаки, бошланғич ташкилот нуфузи унинг ҳуқуқий савияси, билимдонлиги билан белгиланади. Кўплаб муаммолар ана шу қуйи бўғинда ҳал этилади. Қуйи бўғин бевосита ишчи-хизматчилар билан ҳамкорликда ишлаб, улар манфаатини ҳимоя қилади. Керак пайтда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Ҳуқуқий билимдон касабақўм етакчилик қилаётган жамоада қонунсизликка йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодекси ва жамоа шартномалари талаблари сўзсиз ижро этилади. Вилоят тармоқ қўмитаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ўқув-семинарларда 55 нафар касабақўм раислари қайта ўқитилди. Бу эзгу ишга 95 минг сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, туман қўмиталари қошида доимий ҳаракатдаги семинарлар фаолият кўрсатиб, уларда бошланғич касаба уюшма раислари ўқитилмоқда. Ўтган йили 215 нафар касабақўм раислари, 105 нафар кадрлар бўлими ходимлари, 56 нафар ҳуқуқшунослар ва 128 нафар техника хавфсизлиги муҳандислари малака оширишди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари кенгашида «Меҳнаткашларни ҳимоя қилишда жамоа шартномаси асосий восита» мавзуида ўқув-семинари ўтказилди.

Демократик давлатни шакллантириш, ходимлар манфаатларини ҳимоялаш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни қонуний тартибга солувчи ҳужжат - жамоа шартномаларидир. Бу муҳим ҳужжатни чуқурроқ ўрганиш ҳамда ролини ошириш мақсадида «Жамоа шартномасини биласизми?», «Конституция - бахтимиз қомуси» мавзуида тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ходимларининг билимлари синовдан ўтказилди. Бунда Вобкент, Пешку, Шофиркон ва Файзулла Хўжаев туманларида фаолият кўрсатаётган касабақўмлар пухта билимга эга эканликларини амалда намоён этдилар.

Касаба уюшмаларининг ҳимоячилик борасидаги асосий фаолияти жойларда иш берувчилар билан касабақўмлар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик асосида тузиладиган жамоа шартномаларининг қай тарзда қабул қилинишига бевосита боғлиқ.

Вилоят агросаноат тизимида 9 та бошқарма ва ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмалари ҳамда 404 та ташкилот ва хўжалик маъмуриятлари билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида келишув ва жамоа шартномалари қабул қилинган. Бундан ташқари, 6 мингга яқин фермер хўжаликларида ишлаётганлар ҳам жамоа келишувлари ва шартномалари асосида қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

## ЛОЙИҲА ТОПШИРИЛДИ

***«Ўзгазлойиҳа» масъулияти чекланган жамият турар-жой, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ер ости муҳандислик қурилмаларини электрокимёвий муҳофаза қилиш бўйича лойиҳа-смета ишларини тайёрлашга ихтисослашган.***

Мазкур жамият томонидан йил бошидан буён талай объектларни лойиҳалаш ишлари бажарилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай, Тошкент туманидаги газ тармоқларини ривожлантириш, Ангрен шаҳрини табиий газ билан таъминлаш борасидаги лойиҳалаш ишлари қисқа муддатда якунланди.

«Ўзгазлойиҳа» МЧЖ мутахассислари пойтахтимиздаги «Фарм-Гласс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасини табиий газ билан таъминлаш лойиҳасини ишлаб чиқиб, муддатидан илгари буюртмачига топширди.

- Айни пайтда Тошкент шаҳри Сергели туманидаги «Шиша идишлар» заводини газлаштириш лойиҳаси устида иш олиб бориляпти, - дейди «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ директори Қодиржон Қосимов. -Шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида янги лойиҳа ишларини бажариш борасида шартномалар тузилган.

## БЕЛБОҒ КУРАШИ ҒОЛИБЛАРИ

***Пскент шаҳрида белбоғ кураши бўйича ўтган Ўзбекистон чемпионатида юздан ортиқ спортчи иштирок этди.***

Ж.Абдулҳаев, Р.Умаров, Ш.Исоқов, М.Ашуров, И.Эгамов, Ш.Мирзанов ва Ҳ.Муҳиддинов ўз вазн тоифасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган бўлса, О.Ҳакимов мутлақ биринчиликни қўлга киритди.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# «МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК, РАСМИЯТЧИЛИК ТОКАЙГАЧА?»

***Газетамизнинг шу йил 21 июл сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Дўстлик туманида яшовчи кам таъминланган оила фарзандларини ёзги дам олишларини ташкил этишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар танқид қилинди. Мақолада «Дўстлик» оромгоҳининг аянчли аҳволи ҳақида ҳам фикр билдирилганди.***

***Ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга келган жавоб хатида шундай дейилади:***

«Дўстлик туман прокуратураси ҳокимлик ва бошқа мутасадди идора раҳбарлари иштирокида ушбу танқидий чиқиш юзасидан текшириш ўтказди. Хусусан, Бахмал туманида жойлашган «Дўстлик» оромгоҳидаги камчиликлар чуқур ўрганилиб, йўл қўйилган қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди.

Туман ҳокимлиги ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг 2004 йил 8 майдаги «Мактаб ўқувчиларининг 2004 йил ёзги дам олишларини ташкил этиш тўғрисидаги» қарорига асосан, 19 нафар масъул шахслардан иборат комиссия тузилган бўлиб, уларга бажаришлари лозим бўлган вазифалар юклатилган бўлса-да, мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги ва эътиборсизлиги оқибатида белгиланган тадбирлар тўлалигича бажарилмасдан қолган.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини оромгоҳларда бепул дам олишларини ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўйилганлиги ҳақидаги ҳолатлар ҳам текшириш жараёнида ўз исботини топди. Жумладан, тумандаги боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандларининг рўйхатини тузишда ижтимоий таъминот бўлими, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари раҳбарлари бир қатор камчиликларга йўл қўйишган. Рўйхат номигагина тузилган бўлиб, унда қайд этилган болалар дам олиш мавсумининг на биринчи, на иккинчи босқичларида оромгоҳга юборилган. Текшириш натижасида бу тоифадаги оилаларнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандлари рўйхати қайтадан тузилиб, 51 нафар ўғил-қиз учинчи босқичда дам олиш учун бепул йўлланма билан таъминланди.

Мавсум давомида оромгоҳда болалар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш туман маданият ишлари бўлимига юклатилганди. Лекин ушбу вазифани бажариш юзасидан биророрта чора-тадбир белгиланмаган. Оромгоҳда кино, концерт ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилмаган.

Мақолада келтирилган маънавият ва маърифат хонасининг умуман йўқлиги ҳам тасдиғини топди. Ҳозирда эса оромгоҳда шундай хона ташкил этилиб, у миллий истиқлол ғоясига асосланган плакатлар, стендлар, бадиий адабиётлар, газеталар билан таъминланди.

Бундан ташқари, оромгоҳдаги 60 ўринли ошхонада озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли эмаслиги, уларни сақлашда гигиена қоидаларига риоя этилмаётганлиги каби камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди.

Юқорида қайд этилган тадбирларни бажаришда масъулиятсизлик ва расмиятчиликка йўл қўйганлиги учун «Маҳалла» жамғармаси раиси З.Раҳматов, маданият бўлими мудири М.Эшимқулов, ижтимоий таъминот бўлими ижтимоий хизмат кўрсатиш шуъба мудири Х.Раймқулова ва «Дўстлик» болалар оромгоҳи директори А.Шариповларга нисбатан интизомий чора кўрилди.»

**Ш.ТУРДИБЕКОВ,**
**Дўстлик туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорида хотин-қизлар қўмиталарининг муҳим вазифалари белгилаб берилди.***

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ - ЗАМОН ТАЛАБИ

Бугунги кунда хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши соҳасидаги кенг иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар янгича услубда - замон талаби даражасида ташкил этилмоғи лозим.

Тошкент вилояти ҳокимлигида шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари учун ташкил этилган семинар-машғулотда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда хотин-қизлар қўмиталари фаоллигини янада ошириш, аёлларни иш билан таъминлаш, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, аёллар ўртасида тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан маърузалар тингланади.

**(ЎзА)**

# ХАТЛАР – ҲАЁТ ОЙНАСИ

*Миннатдорчилик*

## «ИШОНЧ» МУШКУЛИМНИ ОСОН ЭТДИ

***– Касаба уюшмалари ҳамиша инсонга наф келтириб, улар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишини, ҳар ишда таянч бўлишини кўп бор эшитардим. Тақдирни қарангки, ўз ҳаётимда ҳам қачонлардир айрим ноҳақликларга учрашни хаёлимга келтирмаган эканман. Афсуски, шундай кутилмаган ҳол юз берди.***

Кўп йиллар халқ таълими соҳасида ишлаб, ёшларга сабоқ бердим, ўзимда бор билимимни устозлар ўгитига таяниб, улар шуурига сингдиришга интилардим. Аммо ҳеч кутилмаганда дардман бўлиб қолдим. Бу – анча узоққа чўзилди ва натижада қайта тиббий кўрикдан ўтиб, ногиронлик группасини ўзгартиришга тўғри келди. Дардим врачлар қўйган ташхисга тўғри келса-да, бироқ айрим мутасаддилар ногиронлик гуруҳини ўзгартиришни пайсалга солиб, кўп овора-ю, сарсон қилишди. Натижада шу соҳага дахлдор идораларнинг бир нечасига қатнашга, соатлаб навбатга туришга тўғри келди.

Аниқ бир натижа чиқмагандан сўнг, «Ишонч»га ёзишга мажбур бўлдим. Газета таҳририятидан миннатдорман. Чунки сизларнинг аралашувингиз билан мени иккинчи гуруҳ ногиронлигига лозим топишди.

**Муслима ИСЛОМОВА,**
**Самарқанд вилояти**
**Нарпай тумани**

*Ибрат*

***Кичик ва хусусий тадбиркорлик тараққиётимиз таянчи эканлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Айни шу талабдан келиб чиқиб, жойларда янги иш ўринлари барпо этиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар қилиняпти. Хусусан, Мустақилликнинг 13 йиллиги шарафига Наманган вилоятининг Норин туманида ҳам бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларнинг туман халқ хўжалиги тармоқларидаги улушини янада кўпайтириш бош мақсадлардан бирига айланган.***

## 1070 ТА ИШ ЎРНИ

Тумандаги юридик мақомини олган 702 та субъектларининг 21 таси кичик корхоналар ва 681 таси эса микрофирмалардир. Улар томонидан жорий йилнинг шу кунигача 1 миллиард 96,5 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Соҳа ривожланаётганлиги боис, тармоқларда, асосан қишлоқ хўжалигидан бўшаган 1300 нафар киши иш билан банд қилинди. Бундан ташқари, янги ташкил этилган кичик корхоналарда 1070 та иш ўринлари ташкил этилди.

Асосийси ушбу соҳанинг ривожланиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 31,8 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш 71,3 фоизга, капитал инвестициялар ҳажмида 96,2 фоизга, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмида 84,8 фоизга, аҳолига хизмат кўрсатиш 37,9 фоизга, экспорт ҳажмида эса 73,6 фоизга ўсди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**Наманган вилояти**

*Ҳамкорлик*

## НУРОНИЙЛАР ЕНГ ШИМАРИШДИ

***Бундан икки йил аввал Ғаллаорол тумани «Нуроний» жамғармаси ва ҳокимлик ташаббуси билан ёрдамга муҳтож, уруш ва меҳнат фахрийлари, қаровчиси йўқ кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий таъминотни яхшилаш мақсадида ўзаро ҳамкорликка асос солиниб, дастлаб бу ишга бош қўшганлар қаторида ҳомийлар ҳам жалб этилганди.***

Айни пайтда бу анъана янада ривожлантирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида ногирон ва уруш қатнашчиларига табиий газдан 80 минг сўм, электр энергиясидан 300 минг, ичимлик сувидан 100 минг сўмлик имтиёзли ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида уларга 100 минг сўмлик бепул дори-дармон, ҳомий ташкилотлар эса қарийб бир миллион сўмлик моддий ёрдам берди.

Муҳими, фахрийлар ҳам қараб туришгани йўқ. Масалан, туман марказида барпо этилган «Хотира ва Қадрлаш хиёбони» улар ташаббуси билан бунёд этилган. Жамғармага кўмак сифатида «Музбулоқ» ширкат хўжалигидан ажратилган эллик гектар майдон қарияларнинг меҳнати туфайли боғ-роғларга айланди. Бу эса жамғарманинг моддий аҳволини яхшилашга, ҳам фахрийларни қўллаб-қувватлашга имкон яратди.

**О.СОБИРОВ,**
**Жиззах вилояти**

## ФАХРИЙЛАР КЎНГЛИ ОЛИНДИ

*Меҳру оқибат*

Шаҳрихон тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси Меҳр ва мурувват йили муносабати билан тармоқ ходимларига, айниқса, шу соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб нафақада юрганларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда қўмита саъй-ҳаракати билан 58 нафар кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, 200 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

36 нафар фидойи халқ таълими ходимларига ҳам мурувват кўрсатилиб, 5 нафар меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Уларнинг соғлиқларини тиклаш борасида шарт-шароитлар яратилди. Касаба уюшма фаоллари мавжуд мактаб ва ўқув хоналарини жорий таъмирдан чиқариш ишларида фидойилик кўрсатаётган соҳа мутасаддилари ўртасида ҳам ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.



Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашигача энг яхши ва сифатли қилиб таъмирланган ўқув муассасаси касаба уюшмасининг соврини билан тақдирланиши кўзда тутилган. Айни вақтда бу борада туман таълим муассасалари ўртасида ишлар қизғин тус олган. Шулар қаторида долзарб ишни вақтида уддалаш учун ҳомийларни жалб этишда ҳам касаба уюшмаси олиб бораётган ҳаракатлар диққатга сазовор.

**Ш.КЕЛДИЕВ,**
**Андижон шаҳри**



## «САХОВАТ» БАҒРИДА

***Фарғона шаҳар ижтимоий таъминот бўлими тасарруфидаги «Саховат уйи» масканида нафақат вилоят, балки республикамизнинг кўплаб ҳудудларидан ҳар хил касалликларга чалинган, ногирон, кўзи ожиз, якка-ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар яшайди.***

Уларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, бу ерда дам олиш, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган муолажа хоналари, ошхона, спорт иншоотлари ишлаб турибди. Соҳасини пухта билган мутахассислар меҳрга муҳтожлар хизматида.

«Саховат уйи»нинг яна бир жиҳати бор. – Бу маскан тўрт гектарлик майдонда жойлашган бўлиб, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, сархил мевалар шу жойнинг ўзида етиштирилади. Бу эса ортиқча чиқимга барҳам бермоқда.

Маданият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуқаҳҳор Эргашевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда бу ерда даво топиб, истиқомат қилаётганларга эътибор янада кучайган. Масалан, масканда турли тадбирлар, ижодкор ва санъаткорлар билан учрашувлар тез-тез уюштирилиб турилади. Водийдаги тарихий масканларга саёҳатлар уюштириш одатга айланган. Ана шундан бўлса керак, бу ердагиларнинг ҳар доим кўнгли чоғ, ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор.

**Маматҳожи**
**ОСТОНАҚУЛОВ,**
**Фарғона вилояти**

## БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

***Бир болага етти қўшни ота-она, деб бежизга айтишмаган. Чунки уларнинг бенуқсон камолотга етишувида маҳалланинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳукуматимиз масаланинг ана шу жиҳатларини инобатга олиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришида жуда кенг имкониятлар ва шароитлар яратиб берди.***

Янги Нишон шаҳарчасида жойлашган «Навбаҳор» маҳалласида 3600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ёшларнинг таълим-тарбиясини шакллантиришда алоҳида тадбирлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

Фуқаролар йиғини раиси Исмоил Исматуллаевнинг таъкидлашича, ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун спорт тўгараклари, хусусан, теннис, футбол, баскетбол мусобақалари ташкиллаштирилган бўлиб, турли ёшдаги гуруҳлар ўртасида беллашувларни ўтказиш анъанага айланган. Масалан, ўн тўрт ёшлилар ўртасида футбол бўйича ўтказилган туман мусобақасида «Наврўз» жамоаси фахрли ўринни эгаллаб, маҳалла ва туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғасини қўлга киритишди.

Хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтларини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам маҳаллада олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Фаоллар саъй-ҳаракати билан 26 та янги ишчи ўрин яратилиб, тикиш-бичиш цехида уйда бекор ўтириб қолган хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Рўзигул Танмуҳаммедова, Гулзор Аблялимова, Хайрулла Ибодов, Тўра Расулов сингари маҳалла фаолларининг тарбия соҳасида олиб бораётган самарали меҳнатлари туфайли ёшлар ўртасида турли жиноятчиликларнинг келиб чиқиши олди олинди. Оилаларда эса ҳар хил жанжаллар ва ўзаро келишмовчиликлар барҳам топди.

**С.ШАВКАТОВ,**
**меҳнат фахрийси**



*Хушхабар*

## ЗАМОНАВИЙ ЦЕХ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

***Ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва уларнинг доимий ишли бўлишини таъминлаш давр олдимизга қўяётган муҳим масалалардан биридир. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилларидан бирида бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, Беруний туманида бу борада бир талай ишлар қилинаётир.***

Хусусан, туман тасарруфида жойлашган «Шоббоз» ширкат хўжалигида жорий йилнинг шу кунига қадар аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бизнес-режага кўра иш олиб борилаётир.

Даставвал ширкатдаги айрим ташландиқ ҳолга келиб қолган бинолар қайта таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан тўлдирилди. Уларнинг бу ташаббуси туман мутасадди ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Натижада мавжуд қишлоқларда тўртта тикиш-бичиш цехлари барпо этилиб, 80 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлашга эришилди.

Муҳими, улар турли хил халқ истеъмоли моллари ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган махсулотлар ишлаб чиқаришаётир. Ширкатдаги маданият уйи қошида эса ана шу цехларда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг касб-ҳунарлик маҳоратини ошириш бўйича қисқа курслар ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича бир қанча шохобчалар барпо этилиб, эндиликда бу жойларда қишлоқ хўжалиги соҳаларидан бўшаган 48 нафар киши қайта ўқитилиб, иш билан таъминланди.

**Ю.ПОЛВОНОВА,**
**Беруний тумани**

*Муҳофаза*

## ШАРОИТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Ишчининг самарали меҳнат қилиши ва унга бу борада етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда алоҳида белгилаб қўйилган. Бироқ онда-сонда бўлса-да, айрим ташкилотларда унга риоя қилмаслик ҳоллари учраб турибди.

Сурхондарё вилоятининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутасаддилари томонидан корхона ва ташкилотларда ўтказилган кузатувларда ана шу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 51 та ҳолатда меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Баъзи қурилиш ташкилотларида маъмурият амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини қўпол равишда бузган.

Меҳнат Кодексининг 81-моддасида «Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт» деб белгилаб қўйилган. Бироқ Қизириқ, Шеробод ва яна бир қатор туманлардаги корхона ҳамда хўжаликларда ана шу қоидага амал қилинмаяпти. Шунингдек, зарарли иш жойларида ишлаётганларга сут, қатиқ, парҳез таомларни узлуксиз бериш тартиби ҳам бузилмоқда. Мутасаддилар бу каби камчиликларга барҳам берса, айни муддао бўларди. Зеро, ишчи манфаати ҳар қандай нарсадан устун.

**З.ШОКИРОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

*Тадбир*

## ИЖОДКОРЛАР ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг республикамиз истеъмол бозорини яратишда тутган ўрни салмоқли. Айни пайтда корхона маҳсулоти нафақат ўзимизга, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қай даражада сифатли бўлиши, аввало меҳнат жамоасига яратилаётган шарт-шароитларга кўпроқ боғлиқдир.

Шу боис жамоа шартномасига кўра ишчиларнинг маданий дам олишини таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, яқинда республикамизга таниқли ижодкор – Ўзбекистон халқ ёзувчиси – Пиримқул Қодиров, «Жаҳон адабиёти» журнали ижодий жамоаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби, шоир Маҳмуд Тоиров ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримовлар билан бўлган учрашувлар уюштирилди.

Ижодкорлар юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотларнинг жойлардаги ижобий самаралари, хусусан, фан-маданият, таълим соҳаларидаги янгиликлар, янги чиқаётган бадиий нашрлар ва китоблар ҳамда ёш авлод таълим-тарбиясини шакллантиришда қилинаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги ишлардан сўзлаб беришди.

Ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашув чоғида ижодкорлар ишчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтаришди. Учрашув санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари билан ҳамоҳанг бўлиб, меҳнат аҳлига хушкайфият бағишлади.

**Озод ХУШНАЗАРОВ,**
**корхона касаба уюшма**
**қўмитаси раиси**

*Жиноятга жазо муқаррар*

## ЯКШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

Суд залидан чиқиб келаётган Анастасия исмли кекса аёлнинг шеригига айтаётган гаплари шууримга михланиб қолди:

– Тошкентда зилзила содир бўлганда Украинадан келгандик, қурувчи бўлиб. – Кўп жойлар табиий офат туфайли вайрон бўлган. Аммо маҳаллий халқнинг руҳи тетиклиги, уларнинг одамохунлиги ҳайратлантирарди. Бир пиёла сув сўрасанг, албатта уйига олиб кириб, сўрига тўқазиб, мева-чева ва ноз-неъматлар билан сийларди. Аслида ана шу халқнинг тантилиги, серобчилик шу жойни юртим, деб бир умр яшаб қолишимга сабаб бўлган. Лекин суд жараёнидаги воқеадан ниҳоятда ҳайратландим. Мевали дарахтга тош отилади, деган гап бор. Аммо икки дона олма учун одам ўлдириш қабиҳликдан бошқа нарса эмас.

Афсуски, Ромитан тумани тасарруфида жойлашган Газли шаҳарчасидаги Газчилар кўчасида ана шундай воқеа содир бўлди. Шу кўчанинг 47-хонадонида истиқомат қилувчи Михаил Зорин ичкиликка ружу қўйган, топган-тутганини фақат заҳрикотилга сарфлайдиган кимсалардан бири эди. Бисотидаги бор-будини сотиб ичгач, ўйлаб-ўйлаб хаёлига бир фикр келди:

– Ҳовлидаги бир туп олманинг ҳосили анча мўл. Эсон-омон пишириб олса, унинг пулига камида беш ой «мазза» қилиб ётиб ичиши мумкин. Аммо бу орзуга қачон ва қандай эришади. Аксига олиб кўча тўла болалар, мактаб ҳам ёпилган. Зумрашалар ўтган-қайтганда биттадан олишса, тугатади-қўяди. Кўнглига келган режаси уни дадиллантириб юборди.

– Дарахтларнинг ҳаммасига ток улайман: – кечасими-кундузими, ким тегса бир зириллатади, олам гулистон, қайтиб ҳеч ким бу ерга яқинлашмайди, ўйлайди у.

Ўша куни шу кўчада истиқомат қилувчи вояга етмаган И.Акмалов (исм ва фамилия ўзгартирилди) дўстлари билан бирга кеч соат йигирма бирларда компьютер ўйнагани чиқиб кетишади. Орадан икки соат ўтгач, уйга қайтаётган болалар беихтиёр М.Зорин ҳовлиси томон йўл оладилар. И.Акмалов дарахтга чиқади. Лекин қандай тез чиққан бўлса, шундай учиб тушади. Воқеадан бехабар дўстлари келиб уни турғизишга уринганида, И.Акмалов аллақачон жон таслим қилганди.

Олма дарахтига 220 вольтли ток уланганлигини пайқаган болалар М.Зориннинг уйига тош отишади. Гап нимада эканлигини англаб етган хонадон соҳиби эса ўзини уйқуга солиб, кузатиб ётаверади. Қўрқиб қолган дўстлар ҳеч кимга чурқ этмасликка келишиб, жуфтакни ростлашади.

Ярим тун. Заҳрикотилнинг кайфидан зўрға оёқ судраб бораётган М.Зорин мурдани қўлига олиб, бир пас ўйланиб қолади. Энди изни қандай йўқотиш лозим. Узоқ вақт ўтирмасдан уни тўғри ўзи яшаб турган хона тўрига олиб киради. Сўнг ҳеч нарса бўлмаганидек, тонг отишини кутади.

Энди масаланинг иккинчи томонига ҳам қисқача тўхталсак. Зеро, тавсиф этаётган ана шу воқеадан кўплар хулоса чиқаришсалар яхши бўларди. Вояга етмаган И.Акмаловнинг кечаси компьютер ўйнаш учун уйдан чиқиб кетиши хонадондагиларнинг унчалик эътиборини тортмади. Ваҳоланки, унинг ёшидагилар бу пайтда аллақачон ётиб ухлаши лозим эди. Унинг кечаси уйда тунамаганлигини фақат эрталаб билиб қолишади. Қаерга, қачон, нима учун кетганлиги ёдларига тушиб, шундан кейингина қидиришади.

Бу пайтда М.Зорин иккинчи шиша ароқни бўшатаётганди. Тунда бўлиб ўтган воқеани болалар сотиб қўймаганидан кўнгли «таскин» топгач, хонадан чуқур қазиб, мурдани кўмиб ташлайди.

Мудҳиш жиноят муносиб равишда ўз жазосини олди.

**Юсуфжон НАЗАРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси**
**терговбўлими прокурори.**

## ЖОНИВОРЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Бухоро вилоятининг Жондор туманида яшовчи Искандар Самандаров бозорда ҳўкиз билан ғунажиннинг арқонидан тутиб турган йигитга дуч келди. Молларнинг нархини сўради. Жавоб ажабланарли эди.

- Бунча арзон?

- Пул зарур бўлиб қолди, - деди сотувчи безовталаниб. - Мол меники, истаган нархимда сотаман.

Харидор сотувчининг кимлиги, қаерда яшаши билан қизиқди. Аммо аниқ гап ололмади.

Гап нимадалигини эса ички ишлар ходимлари аниқлади. «Молфуруш» - Акрам Ҳамдамов дастлабки терговдаёқ, «Бухоро» ширкат хўжалигининг Зандавес қишлоғида яшовчи Низом Темировнинг молларини ўғирлаб келганини тан олди. Маълум бўлишича, сал илгари у Гулойим Қаландарованинг ҳам новвосини ўғирлаб, арзон-гаров сотиб юборган экан.

Жониворлар эгасига қайтарилди. Ўғри эса беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**(ЎзА)**

*Эътироз*

## БУ ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ ЭМАСМИ?

***Бозор шароитининг талаби қатъий. Унинг асосий мақсади қайси соҳада бўлишидан қатъий назар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, одамларни иш билан таъминлаб, истеъмол бозорини тўлдиришдан иборат. Ана шу оддий талабларга амал қилмаган ташкилотнинг касодга учраши турган гап.***

Сирдарё туманининг Бахт шаҳридаги автокорхона ҳам бозор талабларини ўзида сингдирмаган ташкилотлардан бирига айланиб қолганди. Шу боисдан, бу ташкилотни амалдаги қонунларда кўрсатилгани бўйича сотиб олиб, «Агропринт» ёпиқ акционерлик жамияти туздик.

Уни оёққа турғазишнинг ўзи бўлмади. Бинолар қайта таъмирланиб, керакли дастгоҳлар келтирилди. Одамларнинг ишлаши учун муайян шароитлар яратилди. Ёшлар мутахассисликларга ўқитилди.

Ҳозирги кунда мазкур полиграфия корхонаси бир неча турдаги маҳсулотларни тайёрлаб, мижозларга етказиб бермоқда. Одамларни моддий қўллаш мақсадида кам таъминланган оилалар ҳам оталиққа олинган. Фойданинг бир қисми цехларни кенгайтиришга, замон талаби даражасидаги овқатланиш корхонасини, икки қаватли меҳмонхонани бунёд этишга имкон берди.

Бироқ ҳиссадорлик жамиятининг барқарор ишлай бошлаши билан ҳар хил ташкилотларнинг ноқонуний аралашуви, айниқса, туман электр тармоқлари корхонасининг қилиқлари фаолиятимиз мезонини тўсиб қўйяпти. Сабабини тушунолмаймиз. Чунки фойдаланилган энергия учун ҳар ойда 450 минг сўмга яқин маблағ ўтказиб берамиз. Шунга қарамай, ҳар куни соатлаб энергияни сабабсиз узиб қўйишади. Суриштирсак, режа бўйича, дейди улар. Назаримизда уларни ҳам тушуниш керак. Эҳтимол, қайердандир қарздорлик кўпдир. Лекин нега биз бошқалар учун ишимизни тўхтатиб туришимиз лозим. Аниқ вақтини белгилаб олиб, ҳамкорликда иш кўрайлик, десак ҳам бунга тармоқдагилар кўнишмайди. Хўш, нима қилиш керак? Ахир, бу – иқтисодни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришга тўғаноқ эмасми?

**А.НИШОНОВ,**
**«Агропринт»**
**корхонаси раҳбари,**
**Сирдарё вилояти**

Саҳифани «Ишонч» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

# ОМАД ЁР БЎЛСИН, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

## сиздан фақат ғалаба кутиб қоламиз

***Дунё микёсидаги энг нуфузли мусобақа - Олимпиада ўйинларининг бошланишига жуда оз вақт қолди. Аниқроғи, яна бир кундан сўнг бундан 108 йил муқаддам бошланган Олимп ўйинларининг навбатдаги ўн саккизинчи машъаласи узоқ ва бой маданий тарихга эга юнон юртида тантанавор ёқилади.***

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан спорт делегацияларининг Грецияга ташрифи қизғин паллага кирган айни бир пайтда юртимиз вакиллари ҳам она Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилишга отланишди. Дастлаб Афинага йўл олган ҳамюртларимиз дзюдо ҳамда сузиш бўйича терма жамоамиз аъзолари ва мураббийлари бўлди. Мусобақа муносабати билан махсус бунёд этилган Афинадаги Олимпия шаҳарчасига жойлашадиган бошқа спортчиларимизни ҳам бугун-эрта мезбонлар меҳр билан қарши олишади.

Умуман олганда, Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йили Барселонада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз илк бор мустақил жамоа сифатида қатнашган эди. Ўшанда, ёдингизда бўлса, 17 нафар вакилимиз Ўзбекистон байроғи остида спорт майдонларида кураш олиб борганди. Ундан кейинги мусобақа - Атланта-96да уларнинг сони кескин ошди: 70 дан ортиқ спортчимиз Олимпия йўлланмасини қўлга киритди. Бундан 4 йил олдин олис Сиднейда ўтказилган XXVII Олимпиада ўйинларида иштирок этган спортчиларимиз сафи эса янада кенгайди. Энг қувончлиси, маҳоратли «чарм қўлқоп» устаси Муҳаммадқодир Абдуллаев мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

**Афина-2004**

Барча юртдошларимиз, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги бу галги мусобақаларда ҳам вакилларимиздан улкан ғалабаларни кутмоқда. Хусусан, мутахассислар томонидан бокс, дзюдо, эркин кураш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича спортчиларимиз имкониятлари юқори баҳоланяпти. Оксана Чусовитина, Рустам Саидов, Шерзод Ҳусанов, Тўлашбой Дониёров, Ўткирбек Ҳайдаров, Игор Халилов, Антон Ряхов, Алексей Бобожонов, Михаил Тарасов, Дамир Заҳаритдинов, Дилшод Мансуров, Рамзиддин Саидов, Эгамназар Акбаров, Алексей Чеглаков, Манзура Иноятова сингари маҳоратли спортчиларга катта умид билдирилмоқда.

Шу ўринда алоҳида эътиборга молик бир жиҳат - Олимпиада ўйинларида қатнашувчи касаба уюшма спортчилари тўғрисида тўхталсак. Кейинги йилларда энг оммавий жамоат ташкилоти - касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш, спорт-соғломлаштириш ишларини юксак даражага кўтариш мақсадида кенг кўламдаги тадбирлар амалга ошириляпти. Шунинг баробарида маҳоратли спортчилар тайёрлашда ҳам бирмунча муваффақиятларга эришилмоқда. Биргина ўтган йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган қитъа ўйинларида касаба уюшма спорти вакилларининг муваффақиятли иштирок этганлиги фикримизга яққол исбот бўла олади. Бир неча йиллардан буён Оксана Чусовитина (спорт гимнастикаси), Дилшод Мансуров (эркин кураш), Бекзод Хидиров (бокс), Антон Ряхов (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Сергей Лагутин (велоспорт), Саида Искандарова, Равил Начаев (сузиш), Алексей Чеглаков (юнон-рум кураши), Манзура Иноятова (стол тенниси), Эгамназар Акбаров, Мурод Қалиқулов, Рамзиддин Саидов (дзюдо) каби ўнлаб моҳир спортчилар мамлакат, қитъа ҳамда жаҳон миқёсида ташкил этилаётган мусобақаларда, халқаро турнирларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Остонасида турганимиз - Олимпиада-2004 беллашувларининг саралаш баҳсларида ҳам ўнлаб касаба уюшма спортчилари кутилганидек муваффақиятли қатнашиб, нуфузли мусобақа йўлланмалари соҳибига айланишди. Айни пайтда уларнинг сони 32 нафарга етди. Бошқача қилиб айтганда, Афина спорт майдонларида мамлакатимиз номидан қатнашувчи энг кучли 69 нафар спортчимизнинг салкам ярми касаба уюшма спорти тарбияланувчилари ташкил этади. Уларнинг аксари Тошкент шаҳри вакилларидир. Шунингдек, Навоий, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятлари спортчилари ҳам Олимпиада ўйинларида ғолиб чиқиш учун астойдил бел боғлашган. Албатта, бундай ютуққа эришишда тизимда фаолият юритаётган малакали мураббийлар, фидойи мутахассисларнинг таҳсинга лойиқ хизмати бор.

Умид қиламизки, олимпиадачиларимиз Афина майдонларида муносиб қатнашиб, мустақил юртимиз байроғини янада сарбаланд этадилар. Омад сизга ёр бўлсин, олимпиадачилар!

### XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашадиган касаба уюшма спортчилари

**Спорт гимнастикаси**
Оксана Чусовитина

**Эркин кураш**
Дилшод Мансуров

**Сузиш**
Александр Агафонов
Олег Пухнатий
Пётр Васильев
Ирина Шлемова
Равил Начаев
Саида Искандарова
Олег Сидоров
Ольга Гнедовская
Олег Ляшко

**Академик эшкак эшиш**
Сергей Богданов
Руслан Наурзалиев
Владимир Черненко
Елена Усарова

**Байдарка ва каноэда эшкак эшиш**
Антон Ряхов
Дмитрий Стрижков
Юлия Борзова
Сергей Борзов
Данила Турчин
Михаил Тарасов

**Юнон-рум кураши**
Алексей Чеглаков

**Енгил атлетика**
Гўзал Хуббиева
Замира Амирова

**Оғир атлетика**
Ботир Усмонов

**Дзюдо**
Эгамназар Акбаров
Мурод Қалиқулов
Рамзиддин Саидов
Санжар Зокиров

**Велоспорт**
Сергей Лагутин

**Бокс**
Бекзод Хидиров

**Стол тенниси**
Манзура Иноятова



*Гимнастика*

***Оксана Чусовитина ўзбек спорт гимнастикаси тарихида юксак натижаларни қўлга киритаётган спортчи сифатида эътироф этилган. У ўзига хос рекод ўрнатиб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган ўзбекистонлик ягона спортчидир. Шунинг учун ҳам спортчимизни ҳақли равишда «гимнастика маликаси» деб аташади.***

### ОРЗУ – ИНСОНГА ҚАНОТ

Ўтган йил Оксана Чусовитина ҳаётида энг омадли йил бўлди. Германиянинг Коттбус шаҳрида ўтказилган халқаро турнирдаги ғалаба ортидан Грециянинг Солоники шаҳрида ташкил этилган Жаҳон кубоги, АҚШнинг Анахайм шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати баҳсларида олтин медал ҳамда Афина йўлланмасини қўлга киритиши юқоридаги фикримизга исбот бўлади. Ва ниҳоят, йил якунларига кўра журналистлар ўртасида ўтказилган сўровномада Оксана «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди.

Спорт гимнастикасида эришган ютуқлари учун Президентимиз томонидан 1996 йил «Дўстлик» ордени, 2001 йил «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

Ўзининг 28 ёшида тўртинчи бор Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган О.Чусовитина мусобақаларга ўта жиддий ҳозирлик кўрди. Унинг бирдан-бир орзуси Афинадан олтин медал билан қайтиш. Орзулар инсонга қанот бўлади, дейдилар. Унинг эзгу нияти, орзуси ушалишига тилакдошмиз.

*Эркин кураш*

## ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

### ЭНГ КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ



***...2003 йил 16 сентябр. АҚШдаги муҳташам «Medisson Square Garden» спорт саройига ташриф буюрган эркин кураш ишқибозларининг нигоҳи 55 килограмм вазнда курашаётган полвонларга қадалган. Гиламда молдавиялик Геннадий Тюлибя ҳамда ўзбекистонлик Дилшод Мансуров узоқ бел олишди. Ниҳоят, ҳакамнинг баҳс тугаганлигини билдирувчи ҳуштаги янграб, Дилшод Мансуров бу баҳсда ғолиб чиққанлиги эълон қилинди. Ўзбек полвонининг қувончи чексиз. Ахир, у жаҳон чемпиони! Касаба уюшма спортчиси Дилшод Мансуров Афина-2004 йўлланмасини шу тарзда қўлга киритди.***

Болалигида кураш тушмаган болани учратиш қийин. Чунки ҳар бир ўзбек хонадонига кураш аталмиш спорт тури кириб борган. Қаҳрамонимиз ўсиб-улғайган хонадонда ҳам бирор кун курашсиз ўтмаган.

2-синфда ўқиб юрган кезлари эди. Бир куни ёш Дилшод уйлари ёнида жойлашган ўйингоҳда ўртоқлари билан сайр қилиб юриб, спорт залига кириб қолди. Бу ерда эркин кураш машғулотлари ўтказилаётган эди. Шу-шу у кураш машғулотларига қатнаша бошлади. У болалигидан ўта тиришқоқ бўлгани сабаб кураш тушишдан ҳечам чарчамасди. Дўстлари мазза қилиб сайр этиб юрган паллада спорт залида машғулот билан банд бўларди. Устози Нурлан Жаксаликов ўргатган кураш усулларини қунт билан эгаллаб борган Дилшод аста-секин турли мусобақаларда ғолиб чиқа бошлади. Халқаро майдондаги илк ғалабасини ўн беш ёшида нишонлади. Бу воқеа 1998 йили Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон Ёшлар ўйинида содир бўлганди. Орадан бир йил ўтиб, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Шундан сўнг курашчимиз ҳамма нарсани унутиб, машғулотларга шўнғиди. Бу тезда ўз мевасини берди. 2000 йил Франциянинг Кантес шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида барча рақибларини мағлуб этиб шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Бир йилдан сўнг Тошкентда ўтган жаҳон биринчилигида ҳам энг кучли эканлигини исботлади. 2003 йил Пусанда ўтган Осиё ўйинларида катталар орасида ғолиб чиққан Дилшод Мансуров мутахассислар назарига тушди. Ўтган йил якунларига кўра «Йилнинг энг яхши спортчиси» дея тан олинди.

- Шогирдим билан ўн икки йилдан буён биргаман, - дейди устози Н.Жаксаликов. - Болалигида у жуда шўх эди. Бироқ мусобақаларга жиддий тайёрланар, маъсулиятни ҳис этарди. Дилшод ёш бўлишига қарамай нафақат кучли рақибларини, балки ҳаёт қийинчиликларини ҳам енгиб, руҳан бақувват эканлигини намойиш этяпти. Унинг Олимпиада ўйинларида зафар қучишига ишонаман.

Д.Мансуров Афина-2004га тайёргарликни «Динамо» спорт мажмуасида, терма жамоа бош мураббийи Маъмур Рўзиев ва Нурлан Жаксаликов қўл остида ўтказди. Шубҳасиз, Олимпиада ўйинларида ғолиб чиқиш ҳар бир спортчининг энг катта тилаги. Дилшодга ҳам Афина майдонларида музаффарлик насиб этишини чин кўнгилдан истаб қоламиз!

*Сафар олдидан*

***Бекзод Хидиров Олимпиадада қатнашадиган боксчиларимиз орасида касаба уюшмасининг ягона вакили. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ҳабибулла Усмоновдан бокс сирларини ўрганган. 1997 йили ўсмирлар ўртасида, кейинги йили ёшлар ҳамда яна бир йилдан сўнг катталар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган.***

### Бекзод ХИДИРОВ:

## АСЛО БЎШ КЕЛМАЙМИЗ

Боксчимизнинг халқаро рингларидаги омадли юриши янги аср бошидан бошланди, десак хато бўлмайди. Шу йили Бекзод терма жамоа таркибида Россиянинг Владимир шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда совриндор бўлди. 2001 йили эса Таиланддаги «Қирол кубоги» турнирида фақат финал учрашувидагина имкониятни бой берди.

Спортда омад тўғрисида жуда кўп гапиришади. Албатта, омад нисбий тушунча. Бироқ унинг замирида тинимсиз меҳнат, ўз устида изланиш ва яна яхшигина истеъдод яширин бўлади. Ушбу жиҳатларнинг барчаси жамулжам бўлганидагина спортнинг энг юксак чўққилари забт этилиши турган гап. Бу ҳақиқат. Бекзод Хидировнинг йилдан йилга маҳорат пиллапояларидан дадил илгарилаб боришида ҳам аҳа шу омиллар таъсирини кўриш мумкин.

Дарвоқе, ўтган сўнгги икки-уч йил Б.Хидиров учун чиндан ҳам омадли бўлди. Чунончи, 2002 йили Болгарияда - халқаро турнирда кумуш, Малайзияда - қитъа чемпионатида олтин медал қўлга киритилди. Ўтган йили боксчимиз Пусандаги 14-Осиё ўйинлари, Чехиядаги Гран-При турнири ва Душанбедаги Марказий Осиё ўйинларида шоҳсупага кўтарилди. Афина йўлланмаси учун эса жорий йилнинг январ ойида Филиппинда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида баҳс олиб борди.

- Олимпиада йўлланмаси учун «жанглар» осон кечмади, - дея ҳикоя қилади Б.Хидиров. - Япониялик, шимолий кореялик ҳамда мўғулистонлик кучли боксчилар билан баҳс олиб боришга тўғри келди. Ўз кучига ишониш туйғуси, зўр иштиёқ мени ғалабалар сари ундади. Олимпиаданинг олтин медалини олиш ягона ниятим. Уни амалга ошириш учун бор маҳоратимни ишга соламан.

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

*Афина Олимпиадасида жаҳоннинг 202 мамлакатидан минглаб спортчилар қатнашиши кутилмоқда. Республикамиздан эса 69 нафар энг кучли спортчи 15 тур бўйича мусобақаларда иштирок этади.*

*Таъкидлаш керакки, бу гал мусобақа йўлланмаларини қўлга киритиш осон бўлмади. Негаки, Халқаро Олимпия Қўмитаси иштирокчиларга бўлган талабни анча кучайтирди. Шунга қарамай, мўлжаллангнидан ортиқ спортчиларимиз Афина-2004да қатнашадиган бўлди.*

***

***Мусобақада юқори кўрсаткичларга эришган спортчиларимизни катта мукофотлар кутмоқда. Ғолиб бўлган ёки совринли ўринлардан бирини қўлга киритган ҳамюртларимиз Вазирлар Маҳкамасининг Афинада ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларни рағбатлантириш борасидаги қарорида кўрсатиб ўтилганидек махсус пул мукофотлари билан тақдирланади. Чунончи, олтин медални қўлга киритган спортчига 100 минг АҚШ доллари берилади. Кумуш медал билан тақдирланган вакилимиз 50 минг доллар, бронза медали соҳиби эса 25 минг АҚШ доллари билан мукофотланади.***

***

*Бугун ўзбекистонлик боксчиларнинг халқаро миқёсда ўз ўрни, салоҳияти бор. Ҳар қандай йирик халқаро мусобақада жаҳоннинг манаман деган боксчилари юртимиз ринг қироллари билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур. Олимпиада-2004да Осиё қитъаси бўйича энг кўп - 9 нафар боксчимиз рингга тушиши ҳам ушбу фикримиз исботидир.*

*Биласизми?*

## БОКС ТАРИХИДАН ПИЧА

Спортнинг бокс турига тахминан бир ярим минг йил илгари Нил дарёси водийсида яшовчи аҳоли асос солган. Ўшанда бокс мусобақалари одамлар билан ўралган кенг майдонда ўтказилган.

Жанг бирор бир қатнашчисининг ўйиндан чиқишигача давом этган. Беллашувда фақатгина қўлни ва танани ҳимоя қилиш учун махсус кийимлар кийилган.

Спортнинг бу тури оммалашгандан сўнг Рим империясида турли мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Уларда ғолиблар ўз рақибини ўлдирганларидан сўнггина эълон қилинган.

Боксдаги бундай қонун-қоидалар 1719 йилгача давом этди. Шу даврдан эса жангларни раундларга бўлиб олиб бориш жорий этилди. Лекин вақт чегараланмаган эди. Учрашув 30, ҳатто 70 раундгача давом этган. Баъзи беллашувлар тўрт соатгача чўзилган.

1857 йилдан бокс бўйича халқаро миқёсда баҳслар ўтказила бошланди ва ғолибларни рағбатлантириш йўлида олтин камар кашф этилди. 1924 йили биринчи бор Европа чемпионати, 1974 йили эса жаҳон биринчилиги ўтказилди.

Боксга Ўзбекистонда ҳам эътибор кучайди. Жаҳон чемпионлиги камарига Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаровлар сазовор бўлишди.

2000 йили Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада юртдошларимиз 4 та медални қўлга киритишди. Ўшанда ягона олтин медал ҳам айнан боксдан олинган эди.

*От ўрнини той босар*

***Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Қадимий юрт вакиллари турли халқаро беллашувлар, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришмоқдалар.***

## СОҒЛОМ АВЛОД - ИСТИҚБОЛ БУНЁДКОРИ

Универсиада-2003 ўйинларининг Бухорода ўтказилиши вилоят маркази ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадионлар ва теннис кортлари барпо этиш имкониятини яратди. Болалар спортини ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Айниқса, Қоракўлда спорт фидойиси Нурмуҳаммад Юсупов томонидан ихчамгина мажмуа бунёд этилганлиги, қишлоқ ёшларининг катта қисми машғулотларда иштирок этаётганлиги, бундай ўйингоҳлар бошқа туманларда ҳам қурилаётганлиги ҳар жиҳатдан ибратлидир. Яқинда Жондор туманидаги Н.Ражабов номли ширкат хўжалиги ҳудудида ишга туширилган «Фарҳод» спорт мажмуи қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланди. Бу ерда йигит-қизлар футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис, қўл тўпи, енгил атлетика каби спорт турлари билан шуғулланиб, жисмоний чиниқяптилар. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ярим миллион сўмлик кийим-кечаклар совға қилинганлиги болалар қувончига-қувонч қўшди. Пешку туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги клуби негизида қайта қурилган гимнастика саройи муносиб совға бўлди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими спорт иншоотини жиҳозлаш учун 2,8 миллион сўм маблағ ажратди.

«Бухоронефтгазпармалаш» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлиги билан Қоравулбозор туманида бокс мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг Шофиркон, Коғон каби туманлари, Бухоро шаҳри болалар ва спорт мактаблари тарбияланувчиларидан 134 нафар «чарм қўлқоп» соҳиблари қатнашдилар.

Спортнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Агар 2003 йилда спорт иншоотлари 2977 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 3118 тага етди. Машғулот ўтказиладиган заллар 92 тага, спорт майдончалари 128 тага кўпайди. Чекка қишлоқларда 4 та янги спорт мажмуаси қуриляпти. 2 та хўжаликда спорт иншоотлари таъмирланмоқда. Маҳалла тизимида болаларни жисмоний чиниқтириш мақсадида ўнлаб спорт заллари ва майдончалари барпо этилмоқда.

Вилоятда 55 турдаги спорт анжомлари ва кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Бухоромебель», «Бухоромеханикатаъмир» ҳиссадорлик жамиятлари, Шофиркондаги «Вардонзе» қўшма корхонасида турли спорт жиҳозлари, кийим-кечаклар ишлаб чиқариляпти.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли эндиликда 6-17 ёшли болаларнинг 43,3 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланяпти. Бу 2003 йилга нисбатан 14,1 фоизга кўпдир. Спортга жалб этилган қизлар сони 14,6 фоизга ошди. Шунга қарамасдан шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотларидан фойдаланишнинг аҳволи талаб даражасида эмас. Вобкент ва Бухоро туманларида болаларни спортга жалб этиш пастлигича қоляпти. Умумтаълим мактабларида спорт ишқибозлари учун етарли шароит яратиб берилмаган. Масалан, 538 та билим даргоҳидан 198 тасида ёки 34 фоизида спорт заллари йўқлиги, айниқса ташвишли. Спорт залларини қуриш ишлари сусткашлик билан олиб бориляпти.

Айрим раҳбарлар мавжуд спорт иншоотларини эпақага келтириш ва фойдаланишга бефарқлик билан қараб келишмоқда. Шофиркон туманидаги «Жуйрабой» қишлоқ фуқаролик йиғини, Коғон туманидаги «Нурафшон» ширкат хўжалигидаги стадионлар, Ромитондаги «Нурафшон» ўйингоҳи қаровсиз ҳолга келиб қолган. Болалар спорт мактаблари ва мактаб-интернатларининг 48 фоизида машғулот ўтказиш учун базалар йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботининг янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Вилоятда 33 та спорт тури бўйича федерациялар ташкил этилган бўлиб, улардан стол тенниси, таэквондо, эркаклар қўл тўпи, аёллар футболи, шашка кабиларнинг фаолияти суст.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш оиладан бошланади. Айни пайтда 10 мингдан ортиқ оилада спорт билан шуғулланаётганлиги, қишлоқларда бу кўрсаткичнинг янада пастлиги тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли эмаслигидан далолат беради.

Болалар спортини ривожлантириш даражасини ошириш, ёш авлодни чиниқтиришни ҳаётий эҳтиёж, деб билиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ёшларнинг маънан етук, жисмонан соғлом ва бақувват кишилар қилиб тарбиялаш имкониятини яратади.

**ЁЛҚИН**

«HOSIYATLI-QUT-BARAKA» хусусий корхонаси «HOSIYATLI-QUT-BARAKA» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда. Даъволар Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Шаҳристон 2/7 манзилида қабул қилинади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.
Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5